

Баҳодир
Абдувалиев

Тасалли



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2016

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

А - 15

Абдувалиев, Баҳодир.

Тасалли: шеърлар / Б.Абдувалиев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 100 б.

ISBN 978-9943-27-846-2

Қалбини жунбишга келтирган, хайрату оғриқларига сабаб бўлган туйғуларни қоғозга тушира олиш ҳам бир бахт.

Баҳодир Абдувалиевнинг бахти ҳам шунда. У Ватанга, табиатга, ёрга меҳру мухаббатини ифода этиш билангина чекланиб қолмай, ўзгаларни ҳам эзгуликка, қалб уйғоқлигига даъват этади.

Ушбу шеърлар онгу шуурингизга ёруғлик олиб кирсин, азиз китобхон.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-846-2

© Б.Абдувалиев, «Тасалли». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

«ОЛАМГА СИН СОЛАЙ ДЕСАНГ...»

Одам сочига оқ оралаб, мўйсафид ёшига етгач, ҳаётга теранроқ нигоҳ билан қарай бошлайди. Навоий бобо таъбири билан айтганда, ҳаётдан «фавоид ул-кибар» - «кексалик фойдалари»ни чиқаришга киришади. Нуронийларнинг сўзларида ҳикмат, панд-насихат бўлади. Бизнинг халқимиз қадимдан шеърятга ошно, бадиий сўзга ошuftа. Хусайн Бойқаро «Рисола» асарида Ҳирот ва унинг атрофида мингга яқин шоир борлигини фахрланиб ёзади. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам профессионал шоир бўлмаган. Лекин бадииятга меҳр қўйишган, сўзнинг буюк кучини ҳис қилишган.

Панду насихат, ҳикматларни шеърга солиб, дидактик йўлда ижод этган профессионал ижодкорлар ҳам бор. Аҳмад Яссавий ёки Аҳмад Югнакий асарларининг ўзак йўналиши – дидактика. Бундай шоирларни замонавий адабиётдан ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, Чустий домланинг ибратга тўла машҳур шеърлари адабиёт ихлосмандларининг юрак-юрагидан жой олган. Аслида, адабга асосланган Шарқ адабиётида одоб мавзусида ёзмаган, ахлоқни тарғиб қилмаган адибнинг ўзи йўқ.

Қўлингиздаги китобнинг муаллифи Баҳодир Абдувалиев шеърларининг асосий мавзуси ҳам панд-насихат. Қадимда ҳатто тиббий тавсиялар, шифо табирлари ҳам шеърини йўлда ёзиб қолдирилган. Нега? Сабаби – шеърнинг меҳригиё кучи. Оддий гапдан кўра қофияга, оҳангга солиб айтилган фикр киши-

нинг ёдида тез қолади, онгига, қалбига таъсир қилади. Мана, Баҳодир аканинг бир шеърідан парча:

*Ҳаётдан завқ олай десанг,
Қийиндан ҳеч қочма болам.
Норлар нори бўлай десанг,
Миш-мишдан сўз очма, болам...
Оламга син солай десанг,
Тинчлик тила, тила, болам.
Оқибатдан кечмай десанг,
Ришта ула, ула, болам.*

Бутун умр педагогика соҳасида ишлаб, бой тажриба тўплаган домла бугун нафақада. Бу киши бадиий ижодни нафақага чиқиб, бўш вақти ортганидан кейин бошламаган. Б. Абдувалиев 1971 йилдан эътиборан «Табассум» радиожурналида ижод намуналари билан қатнашди. Ўтган йиллар давомида шеър, ҳажвия ва мақолалари матбуот нашрларида эълон қилинди, баёз ва китобларга жам бўлди.

Адабиётчилар орасида «Ҳақиқий баҳони халқ беради» деган ибора бор. Ҳақиқатан, дилига, дидига маъқул асарни ўқувчи ўзи танлаб, саралаб олаверади. Узоқ йиллар ўқувчиларни имтиҳон қилиб юрган Баҳодир Абдувалиевнинг ёзганлари ўқувчиларнинг ҳам имтиҳонидан ўтади, деб умид қиламиз.

*Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири*

ЯШНА ЎЛКАМ

Жаннатмакон кўркам ўлкам,
Шу ўлкада дунё бекам.
Ориятли ҳамда ўктам,
Халқим сира бўлмасин кам.

Савлат тўкиб турар тоғим,
Тоғ бағрида нодир коним.
Гул-гул яшнар бугун боғим,
Ўз кўлимда ўз имконим.

Сергак тортган халқим огоҳ,
Истиқлолим унга ҳамроҳ.
Танг қолди-ю неча суллоҳ,
Мустақиллик раббим Аллоҳ.

Бошқалардан бўлмаган кам,
Ўзбек каби халқ камдан-кам.
Шу халқ билан яшна ўлкам,
Жаҳон кўрсин сени бекам.

ТОЖДОРЛАРГА ЁЗДИМ ҒАЗАЛ

Мозийлардан сўраб азални,
Тождорларга ёздим ғазални.
Тожу тахтим, бахтим – ўзлигим,
Ўзлигимга ёздим ғазални.

Чингиз изин узиб ташлаган,
Тенгсизликни бузиб ташлаган,
Буюк давлат тузиб ташлаган,
Темурийга ёздим ғазални.

«Бобурнома» – асар нодири,
Шу асарда давронлар сири,
Андижонда қолган кўз қири,
Бобуршоҳга ёздим ғазални.

Зарра кўркмай бирор қутқудан,
Лашкар тузиб туркий нутқидан,
Озод қилган тилни тутқудан,
Навоийга ёздим ғазални.

Боболарим орзуси бўлган,
Ҳумо қуши бошига қўнган,
Ватанимни равнақ топтирган,
Юртбошимга ёздим ғазални.

ЭНАЖОНИМ ЭЛИМ

Қай томонга, қай йўсинда тушса йўлим,
Тонги гўзал, қуёш суйган гўшанг сўлим.
Меҳмон келса, сену мендан шакар тилим,
Кўнгли очик, энажоним, орим элим.

Огоҳ бўлгин, ифволарга учма, ўғлим,
Элингни суй, сира айро тушма, ўғлим,
Ўз элингга хизмат қилгин, бўлиб олим,
Шон-шавкатим, энажоним, борим элим.

Бугун обод, яна кўркам ўнгу сўлим,
Ота мерос нақшинкор бир ишда қўлим.
Мурод дўнди, хумо қўнди, тўлди кўнглим,
Тожу тахтим, энажоним, мардум элим.

Йўл олдим мен кенг жаҳонга олиб билим,
Мухтож бўлмай тилмочларга, бийрон тилим.
Шулар боис жаҳон кездим, етди қўлим,
Бахт-иқболим, энажоним, жоним элим.

Юртга тинчлик, осойишни тилар элим,
Ким меҳнаткаш, билиб қадрин қилар элим.
Номин такрор айтолмасам, сабаб ўлим,
Шундай бўлса, хотирада сақлар элим.

СУРУРИМ

Ватаним, сен – кўз нури,
Ўзбегим, сен – гурурим.
Бобомерос тарихсан,
Тарих – менинг сурурим.

Обидага бир қара,
Ичонқалъа – минора.
Ҳали ранги ўчмаган
Моҳи Хоса Ситора.

Тошкентимда Кўкалдош
Суронларга берди дош.
Истиқлолдан нур олиб,
Зиёларга бўлди бош.

Юртим бугун ажиб жой,
Маърифатга бўлди бой.
Шундан халқим кўнгли тўқ,
Ишда унум ойма-ой.

Йўлим очди истиқлол,
Илму фанда мен биллол.
Шу Ватаннинг бағрида
Ўсмоқда минг-минг ниҳол.

Тоғдан келар сув зилол,
Кўкдан сочар нур хилол.
Шундай гўзал ўлкамни
Кўз-кўз қилай бўп қулол.

ЎЗЛИГИНГГА ЭРГАШ, БОЛАМ

Ҳаётдан завқ олай десанг,
Қийиндан ҳеч қочма, болам.
Норлар нори бўлай десанг,
Миш-мишдан сўз очма, болам.

Ўзгага сир бермай десанг,
Сирти зарни қучма, болам.
Заҳру заққум ичмай десанг,
Илдизингдан кечма, болам.

Оламга син солай десанг,
Тинчлик тила, тила, болам.
Оқибатдан кечмай десанг,
Ришта ула, ула, болам.

Дониш йўлин тутай десанг,
Даҳо билан кенгаш, болам.
Ўз-ўзингдан тонмай десанг,
Ўзлигингга эргаш болам.

Бор-будингни сочмай десанг,
Ор-номусни янчма, болам.
Ном-нишонсиз ўчмай десанг,
Миш-мишга тўн бичма, болам.

ВАТАНГАДО

Ватангадо, қани айт-чи,
Отанг киму онанг ким?
Шажаранга бир қара-чи,
Қайда экан ришта учи.

Бобонг баққол бўлгандиров,
Бувинг тўқол бўлгандиров,
Отанг ялқов бўлгандиров,
Онанг анқов бўлгандиров.

Шундан аканг ўгай ўксик,
Шундан уканг боши эгик.
Шундан бари ёру дўстинг
Содиқ эмас, кўнгли ўксик.

Сенинг ўзинг ватангадо,
Мусофирда бўлдинг адо,
Юрибсан-да, одамман деб,
Волиданг ҳам энди адо.

Ўзлик эдинг, ўздан кетдинг,
Ватанингни сотиб кетдинг.
Ажнабийдан сарқит кутиб,
Тубандан ҳам тубан кетдинг.

Кетдинг кетиб, қайга етдинг,
Итялоққа зўрға етдинг,
Сўнгра портлаб, ўзга юрда
Ўз бошинга ўзинг етдинг.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4152> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4152> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4152>